





# «ЎЗБЕКИСТОНДА АГЕНТЛИГИМИЗНИНГ ЯНГИ БИР ИЖОД, ҒАЙРАТ ДАВРИ БОШЛАНДИ...»

Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги — ТИКА президенти Сердар Чам «Ўзбекистон овози» газетаси мухбирининг саволларига жавоб берди.

**Ўзбекистон эшиклари бугун бутун дунё учун кенг очилди. Биз барчага дўстлик қўлини узатмоқдамиз. Жаҳон мамлакатлари билан бирга қадам ташлаш, ривожланиш, қардошлик, яқинлик туйғуларини янада мустаҳкамлаш бизнинг бош мақсадимиздир.**

**Рақобат эмас, ҳамкорлик, адоват эмас, дўстлик, тенглик, ўзаро ёрдам бериш, чегараларнинг очилиши, иқтисодийнинг эркинлашиши, инвестиция муҳитини яхшилаши, барча соҳани янада лебераллаштириш юзасидан олиб борилётган ишлар бугун дунё ҳамжамиятининг эътибор марказида турибди.**

— Ўзбек ва турк халқлари ўртасида қардошлик ришталари ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Ҳурматли Сердар Чам жаноблари, Сизни Ўзбекистон заминига ташрифингиз билан қутлаймиз...

— Ўзбекистон Президентининг 2017 йил октябрь ойида давлат ташрифи билан Туркияда бўлиши мамлакатларимиз, халқларимиз ҳаётида, келажикда янги даврни бошлаб берди. Орадан ўтган қисқа вақт давомида тарихий ташрифда имзоланган қатор ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида давлатларимиз ўртасида турли даражадаги ҳамкорлик алоқалари жуда фаоллашди. ТИКА раҳбари сифатида Ўзбекистонга амалга оширган ушбу ташрифимиз ҳам бошланган жараёнларнинг узвий давомидир.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон сафари арафасида ҳурматли Президентимиз Режеп Таййип Эрдоғун билан учрашдим, ТИКАнинг Ўзбекистондаги фаолиятига доир тақдирларини олдим. Ўзаро ҳамкорлигимизда муҳим ўрин тутадиган ушбу фикрларни Шавкат Мирзиёевга етказганимдан бағоят хурсандим. Тошкентда бўлиб ўтган самарали учрашувлар ҳамда муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёевнинг билдирган тилакларини, сўзларини ҳурматли Туркия Президентини Режеп Таййип Эрдоғунга етказишни ўзим учун шараф, деб биланам.

Мамнунинг билан шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон Президентини томонидан қабул қилингангидан бахтиёрман. Қабул маросимида ТИКАнинг Ўзбекистондаги фаолиятини янада кенгайтириш ва янги босқичга олиб чиқиш муҳимлиги қайд этилди. Шунингдек, Агентликнинг мамлакатингизда олиб бораётган ишларини аниқ лойиҳалар асосида ва тизимли равишда ривожлантириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Ўз навбатида, мен янгилашган Ўзбекистоннинг ТИКА билан ҳамкорлик қилаётгани бизни бениҳоят қувонтиришни билдирдим.

ТИКА ўзининг 25 йиллик юбилейини нишонлади. Ташкилотимиз 1992 йил қардош туркий давлатлар билан ҳамкорликни тиклаш ва биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил қилинган эди. ТИКАнинг энг кўп лойиҳаларни амалга оширган даври охириги 14-15 йилга — Президентимиз Режеп Таййип Эрдоғун даврига тўғри келади.

Бугунги кунда дунёнинг 60 давлатида ТИКАнинг ваколатхонаси бор, 100 дан ортиқ мамлакатда Агентлик фаолияти йўлга қўйилган. ТИКА томонидан бир йилда 2 мингга яқин лойиҳа амалга оширилади. Ўзбекистон Президентини, Бош вазир ўринбосари билан бўлган учрашувларда ҳам асосий

эътибор алоқаларимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилди. Келгуси фаолиятимизда ҳар икки давлат раҳбарларининг тақлиф ва истақларини амалга оширишга ва билдирилган ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз. Ўзбекистонда Агентлик томонидан шу кунгача 23,6 миллион доллар миқдоридagi 700 га яқин грант лойиҳалари амалга оширилган.

— Ўзбекистон билан Туркияни нафақат иқтисодий-иқтисодий алоқалар, балки қардошлик ришталари ҳам боғлаб туради. Бу ТИКАнинг Ўзбекистонга бўлган эътибори бундан-да, юксак бўлишини кўрсатади.

— Албатта, шундай. Биз бир-биримизга бошқа-бошқа давлат сифатида қарай олмаймиз. Биз қардош икки халқимиз, қариндошимиз, тарихимиз, меросимиз, ота-боболаримиз бир, буюк маданиятнинг дунёга тарқалиб кетган парчаларимиз. Хуросон, Мовароуннаҳрдек муҳташам, сеҳрли диёрдан Анадолуга кўчиб ўтганмиз. Лекин боболаримиз қариндош эдилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистондаги муштарак мерос билан биз ҳам фахрланамиз. Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий илм-фани марказлари бизнинг ҳам ифтихоримиздир. Баҳоуддин Нақшбандий, Имом Мотуридий таълимотларига, Имом Бухорий ҳазратларига ҳурмат билан қараймиз ва улар аждодларимизга муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз. Шу сабабли ҳам бизнинг фикрларини яқиндирди. Бу жаннатмакон юртга нисбатан ҳурматимиз, муҳаббатимиз чексиз.

— Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида ислохотлар ўтказилмоқда. Ушбу жараёнларда Агентликнинг иштироки қандай бўлади?

— Инсон ҳаётида энг муҳим омиллардан бири тиббиётдир. Бу соҳада Ўзбекистондан жуда кўп олимлар етишиб чиққан. Улар қолдирган бой маданий меросини инobatта олган ҳолда дунё ҳамжамияти бу сиймоларни тиббиёт бошидаги тож ҳисоблайди. Демак, тиббиётга аҳамият берилишининг биринчи томони аждодларимиз билан боғлиқдир. Иккинчи сабаби инсон соғлом бўлгандагина ундан фаровон ва бахтиёр оилалар вужудга келади, давлатларнинг мустаҳкамлиги ортади.

Инсон ҳаётидаги энг аҳамиятли масалалардан яна бири бу албатта таълимдир. Таълим инсоният учун ақл, илму ирфон эшигидир. Дунёда бугун ҳақиқий илму маърифат ҳукмрон бўлмаганлиги учун урушлар, диний экстремизм, терроризм каби таҳдиқалар мавжуд.

Демак, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасига сармоя йўналтирмасдан туриб тараққий этиб бўлмайди. Қолаверса, мазкур икки фактор орқали турли хуррақларнинг олдини олма бўлади. Санoат ривожини ишлаб чиқаришнинг



Сердар ЧАМ

Ўзбекистон заминидан буюк бир маънавият, маданият, илму ирфон яратилган. Бутун дунё бу ҳақиқатни билиши керак.

тараққий этиши, бандлик ва фаровон жамиятга эришиш учун ҳам инсон соғ ва саводли бўлиши зарур. Булар тараққий йўлидаги стратегик нуқталар ҳисобланади. Биз албатта, фаолиятимизда мана шу икки омилга кўпроқ эътибор қаратишга ҳаракат қиламиз.

Хурматли Президент Шавкат Мирзиёев бизни қабул қилган вақтда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида Агентликнинг муштарак раҳбарликда ҳам бир қатор лойиҳалар амалга оширилишини айтдим.

Ўзбекистонда ТИКАнинг янги бир ижод, ғайрат даври бошланди, деб ўйлайман. Қисқа муддат ичида 2018-2020 йиллар орасида давлат раҳбарларининг берган имкониятлари асосида дадил қадамлар ташланади.

Мақтабча таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодий соҳа, бандликни таъминлаш, ёшларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш энг асосий дунёнинг ноёб дурдоналари жой олган бу заминда туризмни ривожлантириш ва бу осори атиқаларни келажак авлодга етказиш йўлидаги реставрация лойиҳалари сонини ошириш, уларни барҳаёт обидаларга айлантириш асосий вазифаларимиздан бири сифатида белгиланган. Шунингдек, туризмни ривожлантиришда меҳмонхона бошқаруви, сервис ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги ишларни такомиллаштириш, туристларга энг юқори ва сифатли даражада хизмат кўрсатадиган мутлақ янги тизимни яратиш борасидаги ишлар аллақачон бошланган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам қатор лойиҳаларни режалаштирмоқдамиз. Бу борада Туркия тажрибасини татбиқ этиш ва мутахассисларимиз ўртасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

— Агентлик билан ҳамкорликда Самарқанд давлат университетида замонавий технологиялар факультети, туркология институти очилиши ҳақида фикрлар бор. Бунга сизнинг муносабатингиз?

— Албатта, мерос дейилганда

фақатгина тарихий мерос объектлари эмас, балки илмий мерос ҳам тушунилади. Қадим Улуғбек мадрасасининг давомчиси бўлиш жуда катта шараф. Дарҳақиқат, дунё илм-фанининг асоси ҳам айнан мана шу заминда яратилган ва жаҳонга тарқалган. Бу гоғни биз нафақат ўзбек ёшларига, турк ёшларига ҳам сингдиришимиз зарур. Туркияда ёшлар магистратурада қайси давлатда ўқисам экан, деб мени олдимга маслаҳат сўраб келишади. Мен уларга Ўзбекистонда ўқишни тавсия қиламан. Аслида бунда жуда катта гоғ, мақсад бор, деб ўйлайман. Чунки бу ерда бизнинг аслимиз бор, ота-боболаримиз шу ердан кетишган. Шунини инobatта оладиган бўлсак, фарзандларимизни фақатгина Европада эмас, балки бир вақтлар илму ирфоннинг маркази бўлган ота маконда ўқишларини давом эттириши муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, асрлар давомида уйқуда ётган ислом маданияти, маърифатининг уйғониши бугунги кун учун жуда муҳим ҳисобланади.

Тарихи машҳур Улуғбек мадрасасига бориб туташуви, Ўзбекистоннинг энг катта ва салoҳиятли дорифундуларидан бўлиши Самарқанд давлат университети билан ҳамкорлик қилиш, албатта, режамизда бор. Бу олий таълим даргоҳида Марказий Осиё туркий цивилизацияси масалаларини ўрганувчи туркология институти ва мамлакатингизни тараққий этаётган энгил ва машинасозлик санoати учун муҳандис кадрлар етиштириб бериш замонавий технологиялар факультетини ташкил этиш, бу борада турк университетларининг тажрибасидан фойдаланиш кутилган натижани беради, албатта.

Ўзбекистон заминидан буюк бир маънавият, маданият, илму ирфон яратилган. Бутун дунё бу ҳақиқатни билиши керак. Агар биз бунини жаҳонга ейсак, бугунги ислом динига бўлган қарашлар ҳам ўзгаради. Чунки бугун урушнинг, терроризмнинг нишонига айланиб бораётган ислом диёрлари Самарқанд, Бухоро каби қадим шаҳарларнинг аслини, тарихини,

бу ердан етишиб чиққан олимлар кимлигини, дунё илм-фанига қандай хисса қўшганлигини билганида эди, исломга бўлган дунёқараш ўзгаришига эришилари. Ер юзида бугун ислом маърифатига жуда катта эҳтиёж бор.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш нафақат иқтисодий жиҳатдан фойда келтиради, балки орамиздан кўтарилаётган буюк ахлоқ, одoб, маърифатнинг қайтишига ҳам сабаб бўлади. Бу тарихни жонлантириш демакдир. Бу ҳақиқатни биз чуқур англаб етишимиз керак. Бугунги кундаги раҳбарларимиз серғайрат инсонлардир. Биз кучли йулбошчилар раҳнаолигида катта ютуқларга эришиш имкониятига эгамиз.

Қадимдан туркийлар дунёга маданият улашган халқ сифатида танилган. Мен тарихий шахсларимиз, алломаларимиз ҳаётини ўрганишга ҳаракат қиламан. Мени энг кўп қизиқтирган шахс Амир Темура ҳазратлари бўлади. Амир Темурунинг ҳаёти, фаолияти, ғалабалари мени ҳар доим ўзига махлиё қилиб келган. Жаҳонга машҳур улкан салтанат кура олган бу шахс бутун дунёга мисли қўрилмаган буюк маданият, маърифат қолдирди.

— ТИКА билан ҳамкорликда ўтказилган «Урта асрларда Самарқанддаги мадраса оилаларининг Ислoм цивилизацияси ва таълим тизими тараққийотидаги роли» мавзусидаги халқаро конференция илмий жамоатчиликда яхши таассурот қолдирди. Бу йўналишдаги ишлар давом эттириладими?

— Мен ушбу конференцияни амалга оширишда яқиндан ёрдам берган барча дўстларимизга ўзимнинг миннатдорлигимни билдириб ўтмоқчиман. Бу каби анжуманларни кўпроқ бўлишини тарафдориман ва уни қўллаб-қувватлашга тайёрмиз. Нафақат Ўзбекистон ёки Туркияда, балки бутун дунё мамлакатларида ҳам конференциялар ташкил қилиш айтиш мумкин бўлади, деб ўйлайман. Нима учун ўзбекистонлик олимлар

туркиялик ҳамкасблари билан биргаликда Европада, Болконда, Кавказда, Африкада ва дунёнинг бошқа жойларида конференция ташкил эта олмас экан? Бу борада ТИКАнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ҳам тегишли ишларни амалга оширади, албатта.

— Самарқанд давлат медицина институти Урта Осиёда биринчи бўлиб очилган тиббиёт олий ўқув юрти сифатида муҳим тарихий аҳамиятга эга. Бугунги кунда ҳам мазкур таълим даргоҳида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистонда биринчи бўлиб ўқитишнинг халқаро стандартларга жавоб берадиган кредит-модул тизимига ўтилган. Келгусида мазкур институт ва унда фаолият кўрсатаётган олимларни қўллаб-қувватлаш бўйича Агентлик томонидан қандай лойиҳалар амалга оширилади?

— Албатта, бу масала жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Мен европалик таниқли олимлардан Самарқанд давлат медицина институти салоҳияти ҳақида жуда кўп эшитганман. Бу борада мени бир фикрим бор. Биринчи навбатда тиббиёт соҳасидаги маданий ва хорижий мутахассисларни Самарқанд давлат медицина институтига тақлиф қилиб, илмий конференция ташкил қилиш мақсадида мувофиқдир. Самарқанд давлат медицина институтининг катта илмий салоҳиятини Туркиядаги 70 дан зиёд тиббиёт факультетлари орасида оммалаштириш, ўз навбатида Самарқанд давлат медицина институти профессор-ўқитувчиларини туркиялик ҳамкасбларининг замонавий тиббиёт йўналишида тўплаган катта тажрибаси билан таништириш муҳимдир. Мисол учун, бу йўналишда ўқув-машғулотлари, маҳорат мактаблари ташкил қилинса, бу ҳар иккала томон учун ҳам фойдали бўлар эди.

Шунингдек, ўзбекистонлик ва туркиялик олимларни биргаликда, бу каби хайрли ишларни амалга ошириш туркий халқлар бирдамликда ҳаракат қилаётганининг ўзига ҳам ифода сифати бўлади, деб умид қиламан.

— Ўзбекистон халқига, газетхонларимизга тилакларингиз...

— Ававало, «Ўзбекистон овози» газетаси орқали ўқувчиларингиз билан мулоқот қилишга имкон берганингиз учун миннатдорлигимни билдирарман. 2018 йил «Ўзбекистон овози» газетаси ўз фаолиятини бошлаганига 100 йил тўлар экан. Шу муносабат билан жамоани, газетхонларни табриқлайман. Яна кўпал асрларга тенг бўлган умрлар тилайман. Газетангиз Ўзбекистонда юз бераётган тарихий воқеалардан бизга ҳам хабар беради. Шу сабабли яна бир бор ташаккур айтаман.

Сўхбатимиз сўнггида сизга алоҳида миннатдорлигимни билдирмоқчиман. 2018 йил тинчлик, осойишталик ҳукм сурган дунёда роҳат фароғатда яшаш насиб этсин. Мана шу барқарорликнинг, ҳамжихатликнинг ўрнатилишида, туркий халқлар, туркий жумҳуриятларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб боришини худодан сўраб қоламан. Буюкларнинг йўлини бериб, уларнинг изидан бориб, дунё илму ирфонига хисса қўшадиган инсонлар бўлиш барчамизга насиб этсин.

Фаррух ҲАМРОЕВ сўхбатлашди.



## ЎТГАНЛАР ЁДИ

## НУРЛИ ХОТИРАЛАР

Хотира муқаддас, инсон хотиралар билан яшайди. Ҳар бир киши хотира орқали ўтмиш аجدодлари билан мулоқот қилади. Хотира ҳақида доноларнинг жуда кўп ибратли фикрлари бор. — «Хотира шундай жаннатки, ундан сизни ҳеч ким қува олмайди», «Инсон ҳақида хотира қанча яшаса, у шунча яшайди», «Доно учун хотирадан муҳим фазилат йўқ»...

Инсон хотираси азиз. Ўтганларни ёд этиш, уларнинг умр йўллари, яхши фазилатлари ҳақида авлодларга етказиш ҳам аслида тирикларнинг марҳумлар олдидаги қарзи, бурчи ҳисобланади.

Биз ҳам сеvimли фарзандимиз Ферузахонни, меҳрибон оталаримиз Тўйчибой Неъматов ва Курбонали Усмонов, оналаримиз Зухраҳон ва Мухаррамхон, бувила-

ўтказилган икки операцияни матонат билан енггани, Россия, Германия ва Ҳиндистонда яшаган давримизда бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир эслаймиз.

Оталар ҳақида гапирганда, уларнинг ўз вақтида фарзандларига кўрсатган йўллари, берган маслаҳатлари, қилган насиҳатлари кўз ўнгимизда намойён бўлади. Шу ўринда турмуш ўртоғим Илҳомжон

уй-жой қуриш учун ер сўрасак, «Сизларга ҳовлининг кераги йўқ, давлатнинг уйда яшаб, ишлаган одам кам бўлмайди», деган эди. Кейинчалик бу гапларнинг қанчалик тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Умуман, ота-оналарнинг насиҳати бебаҳо эканини вақт ўтиб, чуқурроқ англагансан киши.

Онам Мухаррамхон ҳам ўта меҳнаткаш, тўғрисўз, меҳрибон, шунинг билан бирга, биз, фарзандларига нисбатан жуда талабчан эди. 1970 йилда мен институтда 3-курсда ўқиётганимда отам Курбонали Усмонов вафот этган эди. Бизни ўқитиш, уйли-жойли қилиш онам шўрликнинг зиммаларига тушганди. Ҳаёт қийинчиликларига қарамасдан онамнинг ҳалол меҳнатлари туфайли биз ҳаммамиз олий маълумотли ва оилали бўлдик. Қайинонам Зухраҳон ая ҳам ўта олижаноб, фарзандларига, қариндошларга меҳрибон аёл бўлган. У киши кексалик чоғларида ҳам ҳеч қачон бир ўзлари тушлик қилмасди, албатта қўшнилардан бирини чақириб, дастурхон атрофида суҳбатлашгани яхши кўрар эди. Зухраҳон аянинг «Меҳмон орқали уйингизга файз келади, агар хонадонингизга қирқ кун меҳмон келмаса, кўчадан ўтган одамни уйга чақириб, уни меҳмон қилиш лозим», деган гаплари ҳамон ёдимда. Ҳозир уйлаб кўрсам, бу ҳикमत замирида катта маъно бор экан... Афсуски, биз эндигина оёққа туриб, фарзандлик қарзини узиш пайти келганда, улар бирин-кетин дунёдан ўтиб кетишди. Ленин ўчмас хотиралар туфайли улар доимо биз билан бирга. Уларнинг ўғитлари умр йўлларида бизни қўллади, асрайди. Нури хотиралар эса оиламизнинг, сулоламизнинг энг катта маънавий бойлигидир.

Гулсал НЕМАТОВА

“Инсон ҳаёти абадий эмаслигига, Яратган томонидан берилган умримиз давомида бир — биримизни асрашимиз, қадрлашимиз кераклигига имон келтираимиз.

римиз Тожбухон ва Меҳринисохон, акамиз Бахтиёр, укамиз Одилжоннинг хотирасини ёдга олиб, улар билан ўтказган кунларни, суҳбатларни соғинамиз. Инсон ҳаёти абадий эмаслигига, Яратган томонидан берилган умримиз давомида бир-биримизни асрашимиз, қадрлашимиз кераклигига имон келтираимиз.

Биз оиламиз аъзолари қизимиз Ферузахон тўғрисида гап кетганда, албатта унинг зукюлиги, қариндошлар ва дўстларга меҳрибонлиги, ватанпарварлиги, оиламизда биринчи бўлиб Ўзбекистон мадҳиясини ёд олгани, рус, немис, инглиз ва француз тилларини яхши билгани, хорижий мамлакатлардаги мактабларда ўқиб юрган пайтларида ҳам турли маданий тадбирларда ташкилотчилик қилиши, қўйилдиган спектаклларда бош ролларни маҳорат билан ижро этишини эслаймиз. Исроил давлатида даволанганида юрагида

Неъматов еттинчи синфни битиргандан кейин отаси қалам ва оқ қоғоз бериб, «Ўғлим, катта бўлиб қолдинг, келажакда архитектурлик касбини эгаллашинг керак, энди мана бу қоғозларга уйлар лойиҳасини чизиб ўрганишинг лозим», деганини, кейинчалик бирон-бир жойга ишга ўтиш бўйича маслаҳат сўраганида, «Сен ишни эмас, иш сени изласин, бунинг учун ҳалол меҳнат қилиб, тер тўкиш керак», деган ўғитларини доимо гурур билан эслайди. Дарҳақиқат, қайинотам ўта талабчан, ҳақиқатпарвар раҳбар бўлган. У киши билан қачон суҳбатлашмайлик, доимо ҳалоллик, тўғрисўзлик, одамларга яхшилик қилиш ҳақида гап борарди. «Инсон ўз ҳаёти давомида босган яхши қадамига ҳам, ёмон қадамига ҳам албатта баҳосини олади», деган иборани кўп такрорларди. Машҳур бир ҳўжаликка раҳбар бўлиб ишлаб юрган пайтларида

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 26 йиллиги ҳамда 14 январь Ватан ҳимоячилари кунини деновликлар бу йил ўзгача қарши олди.



## 8 ТОННА 900 КИЛО ОШ

Деновда тайёрланди ва 5 минг нафардан ортиқ кишига тарқатилди

Тантанали тадбирда Денов тумани ҳокими Улугбек Қосимов барчани кўтлуг айём билан самимий муборакбод этди. «Бахтиёр она» ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Ватан қалқонлари бўлган эр йигитлар иштирокидаги ҳарбий парад ва замонавий техникалар кўргазмаси юртдошларимизда завқ-шавқ уйғотди. Шундан кейин марказий ўйингоҳда улкан қозон ўрнатилиб, 8 тонна 900 килопи ош дамланди.

— Яхши ният билан ҳайрли ишни бошладик, — дейди Денов туман ҳокимлиги маъсул ходими Маҳмуд Расулов. — Ошни тайёрлаш учун 46 нафар моҳир ошпаз таклиф қилинди. Барча севиб истеъмол қиладиган таомга 7 тоннадан ортиқ гуруч, мол ва қўй гўшти, ўсимлик ёғи, думба, сабзи, пивз солинди. Ошни пиширишда Олмалик кон-металлургия комбинатидан келтирилган махсус қозондан фойдаландик. Акциядан кўзланган асосий мақсад рекорд ўрнатиш эмас, балки йилимиз тўқин-сочин ва фаровон бўлиши йўлидаги хайриядир. Шу билан бир қаторда, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари ҳолидан хабар олинди ва улар моддий қўллаб-қувватланди.

Ош ҳарбий хизматчилар, Муруват уйи тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларга тарқатилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ташқи меҳнат миграция масалалари агентлиги томонидан Хитой Халқ Республикаси фуқароси Танг ГУАНГУВ номига берилган 095483 рақамли меҳнат лицензияси йўрқатилиши сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## РЕКЛАМА

## «ЎЗҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ»

акциядорлик жамияти жамоаси

Халқимизни 14 январь —  
Ватан ҳимоячилари кунини  
билан муборакбод этади!



## O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55

E-mail: info@ozbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 138. 14020 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 21:30.

Topshirilgan vaqti — 22:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
Obiddin MAHMUDOV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Zafar BAKIROV  
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5